



ИШТИРОКЧИЛИК ТУРЛАРИ ВА ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК ДОИРАСИ

Усманов Иномжон Исломбаевич

Ўзбекистон Республикаси

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси

inomjonusmanov50@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20712560>

Аннотация: Мазкур мақолада иштирокчилик турлари ва жиноий жавобгарлик доираси ва унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган. Мақолада иштирокчиларнинг бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи каби турлари ва жавобгарлик доираси билан боғлиқ олимларнинг ҳам фикрлари ўрганилган.

Калит сўзлари: Жазо, жавобгарлик, жиноят, бажарувчи, далолатчи, ташкилотчи, икки ёки ундан ортиқ, шахс, иштирокчилик, қонунчилик.

Аннотация: В данной статье анализируются виды соучастия и круг уголовной ответственности, а также ее специфические особенности. В статье также изучены мнения ученых, связанные с такими видами участников, как исполнитель, организатор, подстрекатель, помощник, и сферой ответственности.

Ключевые слова: наказание, ответственность, преступление, исполнитель, подстрекатель, организатор, два или более, лицо, соучастие, законодательство.

Abstract: This article analyzes the types of participation and the scope of criminal liability, as well as its specific characteristics. The article also examines the opinions of scholars regarding types of participants such as executor, organizer, witness, assistant, and the scope of responsibility.

Keywords: Punishment, responsibility, crime, perpetrator, accomplice, organizer, two or more, person, participation, legislation.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят иштирокчиларнинг турлари Жиноят кодексининг 28-моддасида кўрсатиб ўтилган бўлиб, бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам жиноят иштирокчилари деб топилади.

Иштирокчиларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) Бажарувчи;
- 2) Ташкилотчи;
- 3) Далолатчи;
- 4) Ёрдамчи.

Иштирокчиликининг турлари ҳақида сўз юритар эканмиз хорижий давлатларнинг Жиноят қонунчилигида иштирокчиликининг тушунчаси йўқ аммо, иштирокчилар яъни турлари ҳақида сўз юритилгандир.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига асосан жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд ушбу кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади (ЖК 28-модда, 2-қисм).

Бажарувчи икки турга бўлинади; 1) Бевосита жиноят содир қилган, яъни объектив томонни содир этган шахс. 2) Кодексга мувофиқ бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс. Баъзи ҳолларда жиноятнинг объектив томонини бир нечта жиноятчилар биргаликда бажаради, уларнинг барчаси бажарувчи ҳисобланади. Жиноят содир қилувчи бажарувчилар ақли расо ва қонунда белгиланган ёшига (14 ёшга) тўлган бўлиши керак. Айрим ҳолларда шахснинг ўзи жиноятни бевосита содир қилмасдан жиноятнинг субъекти бўла олмайдиган шахслардан фойдаланади. Шу ўринда суд амалиётидаги бир жиноят иши бунга мисол бўла олади.

Жиноятга тайёргарлик кўришга ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи деб топилади. Яъни, ташкилотчи жиноят содир қилишда раҳбарлик қилади. Ташкилотчи иштирокчилар орқасида энг хавфлиси бўлиб, у жиноятга тайёргарлик кўриш, жиноятни содир қилишда раҳбарлик қилади. Ташкилотчи кўпинча жиноят содир қилишда бевосита қатнашмаганлиги сабабли уни ушлаш исботлаш ва жавобгарликка тортилиши қийинлашади.

Жиноят содир этишга кизиқтирувчи шахс далолатчи деб топилади. У ҳар қандай шаклда, яъни 1) мажбурлаш; 2) ишонтириш орқали далолат қилади. Мажбурлаш жиноий ва руҳий бўлиши мумкин. Руҳий мажбурлаш кўпинча далолатчи томонидан қўрқитиш орқали содир қилинади. (Масалан, моддий таъминлашни тўхтатиб қўйиш, инсонни тақирловчи хабар ёки маълумотларни етказиш билан қўрқитиш ва ҳақозолар).

Шахсга бир неча маротаба далолатчи турли хил хабарларни етказса, буларнинг натижасида шахс ишонч орқали жиноят содир этишга қарор қилса, бир неча марта хабар етказган шахсни далолатчи деб жавобгарликка тортиш мумкин. Лекин бир неча марта хабар етказган шахсга бажарувчининг жиноят содир этиши учун мойиллик туғдириш мақсади



бўлиши керак. Ишонтиришда далолатчи ташқи томондан жиноятга ҳеч қандай алоқаси бўлмагандек кўринса-да, унинг манфаатлари маълум даражада жиноятни содир этган бажарувчининг манфаатларига мос тушади.

Далолатчининг ҳаракатининг жиноят содир этишининг воситаси сифатида илтимос қилишдан иборат бўлиши мумкин ва бу далолатчи манфаатининг асосини ташкил этади. Яқинларига илтимос қилиш, жиноят содир этишни фақат кўндириш орқали амалга оширилади. Кўндириш илтимосдан шуниси билан фарқ қиладики, далолатчи шахсни жиноят содир этишга рози қилиш учун ўзининг бор имкониятини ишга солади. Кўндириш бир неча марта илтимос қилиш шаклида бўлиши мумкин. Суд-тергов амалиётида далолатчиликнинг бошқа турлари ҳам учрайди. Масалан, жиноят содир қилиш учун мукофот ваъда қилиш ёки тўғридан-тўғри шахсни сотиб олиш ёки алдашдир.

Субъектив томонидан далолатчи тўғри қасд билан ҳаракат қилади. “Жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари ва кўрсатмалари, билан воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўли билан қўлга критилган нарсаларни яширишга, шунингдек бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс ёрдамчи деб топилади”¹ (ЖК 28 модда 5-қисм).

Демак, ёрдамчи жиноят содир қилишда ўз маслаҳатлари кўрсатмалари билан воситалар бериш (масалан, мулкни талон-тарож қилиш учун қуроллар бериш ёки телефон воситалари орқали алоқа қилиб ёрдам бериш) ёки бирор тўсиқ учраса уни йўқотишга ёрдам берган шахсдир. Бундан ташқари жиноятчини жиноят содир этиш қуроли излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек бундай нарсаларни олиш ёки ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахсдир.

Суд амалиётидан бизга маълумки ёрдамчилик иштирокчиликнинг кўп учрайдиган туридир. Ёрдамчини икки кўринишига бўлиб ўрганамиз.

1) жисмоний ёрдамчилик;

2) руҳий ёрдамчилик кўринишга эга. Жисмоний ёрдамчиликда жиноят содир қилинаётганда тўсиқларни олиб ташлаш учун воситалар ва қуроллар билан ёрдам бериш, яъни жиноятнинг объектив томонини амалга оширишда бажарувчига кўмаклашиш тушунилади.

¹М.Усмоналиев. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). — Т. “Насаф”. 2010. — Б.283 бет.

Рухий ёрдамчиликда;

1.жиноят содир қилишда, маслаҳат, кўрсатмалар беради. Масалан, қандай қилиб фрибгарлик жиноятини ёки босқинчилик жиноятини содир қилиш керак ва ҳақозолар;

2.жиноятчини жиноят қуролларини, изларини ва воситаларини ёки жиноий йўл билан топилган буюмларни, олдиндан ваъда бериш;

3.жиноий йўл билан топилган буюмларни олиш ёки сотиб беришга олдиндан ваъда бериш шаклида бўлиши мумкин.

Жиноят ҳуқуқи назариясида ҳам, жиноят қонунида ҳам жиноят ҳақида хабар бермасликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси деярли тўғри баҳоланган. Қонунда фақат оғир ёки ўта оғир жиноятлар ҳақида хабар берганлик учунгина жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 31-моддасида назарда тутилган тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида хабар бермаслик тушунчаси 16 ёшга етган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахсларнинг муайян мажбуриятларини белгилайди. Улар шахснинг давлат олдидаги, жамият олдидаги, бошқа шахслар олдидаги инсонийлик мажбуриятидир, ушбу мажбуриятни бажармаслик жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида, олдиндан ваъда бермасдан “хабар қилмаган шахс жавобгарликка тортилади-ю, “олдиндан ваъда берган” шахс эса жавобгарликка тортилмай қолиши керак ва бундан ҳолат жиноятда иштирокчилик деб таснифланиши лозим, деган фикрлар ҳам мавжуд. Уларнинг фикрига кўра “олдиндан ваъда бериб” хабар қилмаслик жиноятда иштирокчиликни келтириб чиқаради”². Жумладан, А.С.Ёқубов ва Б.А.Миренскийларнинг фикрича, илгаридан берилган ваъдага кўра, хабар бермаслик ақлий шериклик кўринишидаги иштирокчиликни вужудга келтиради³. Жиноят ҳуқуқи дарсликларида эса бу ҳақда умуман айтиб ўтилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Жиноятга иштирокчилик”, деб номланган VII бобидаги қоидаларга эътибор берадиган ва уни таҳлил қилиб чиқадиغان бўлсак, олдиндан ваъда бериб хабар қилмаслик жиноятда иштирокчиликни юзага келтирмайди, деган маънони англашимиз мумкин. Чунки, жиноятни иштирокчиликда содир қилишда икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргалашиб қатнашишини

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. — Т.Адолат. 2008. — Б.54.

³ Ахбаров Б.Ж. Иштирокчиликни фарқлаш. Қонун ҳимоясида. — Т. 2002, — №6., — Б.18.

билдиради. Хабар қилмаслик эса қасддан содир этилган ҳаракатсизлик қилмиш бўлиб, жиноятда иштирок этмаган шахсининг бошқа шахслар томонидан тайёрланаётган содир этилаётган ёки содир қилинган жиноятини аниқ билган ҳолда фош қилмасликка қаратилган қасддан қилинган ҳаракатсизликни фош этишда одил судлов органларига ёрдам бермасликни англатади.

Ақлий шериклик кўринишидаги иштирокчилик фаол ҳаракатдан иборат бўлиб, хабар қилмаслик эса ҳаракатсизликдан иборат бўлади. Учинчидан, жиноят ҳақида хабар бермасликни иштирокчилик деб топиш учун қонун нормаларида биронта кўрсатма йўқ. Яъни, қонун бўйича иштирокчилик жиноят ҳақида хабар бермасликни ўз ичига олади.

Жиноят қонунига кўра, жиноятга дахлдорлик жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда “олдиндан ваъда бериб” хабар бермасликни ўз ичига олмайди, чунки у ерда “олдиндан ваъда бермаган ҳолда” хабар қилмаслик деб аниқ кўрсатилган. Иштирокчиликдаги жиноятда эса умуман бу муносабат эътибордан четда қолдирилган. Кўпгина ҳуқуқшунос олимлар жиноятга дахлдорлик ва иштирокчилик ҳақида сўз юритар эканлар уларнинг бир-биридан фарқини очиб беришга ҳаракат қилганлар.

Ҳуқуқшунос олим А.Н.Траинин ҳам В.Г.Смирновдан олдинроқ қуйидаги фикрини билдирган эди. Бу икки хил хабар бермаслиكنинг ижтимоий хавфлилиги ҳам турлича. Агар жиноят ҳақида оғир жиноят содир этилганда кейин хабар берилган бўлса, ҳисобга олмасдан бўлмайди.

Агар шахс тайёрланаётган жиноят ҳақида хабар бермаса, бу ерда жиноятнинг содир этилишида унинг манфаатлари бўлмаса-да, у жиноятлар билан бирлашиб иштирокичига айланиб қолади⁴. Юқоридаги мулоҳазаларга кўра баъзи олимлар тайёрланаётган жиноятлар ҳақида хабар бермаслик оғирроқ жазога тортилиши лозим⁵, деган фикрни билдиришган.

Бу муаллифлар жиноят ҳақида хабар бермаганлик унинг ваъда бериб ёки ваъда бермасдан амалга оширганлиги эмас, балки унинг ижтимоий хавфлилигидан келиб чиққан ҳолда, яъни жиноятга тайёгарлик кўрилаётганлиги ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаганлик учун иштирокчи деб топиш лозим деган фикрни билдирадilar. Зеро, тайёрланаётган жиноят ҳақида хабар берилганда унинг олдини олиш

⁴ Траинин А.И. Учение о соучастии. — М: 1941. — 23.с.

⁵ А.Артюнов. Ошибки при квалификации содеянного группой по предварительному сговору. — М: “Российской юстиция”, 2001, — № 9, ст. 65.



мумкин бўларди. Содир этилган жиноят ҳақида хабар бериш эмас фақат жиноятчиларни жазолаш масаласини тезлаштиради, холос. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш лозимки айрим хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигида бундай ҳолатлар иштирокчилик деб топилиб жиноий жавобгарликка тортилади.

Руҳий ёрдамчилик эса жиноят содир қилишда бажарувчининг қарори ва хоҳишини мустаҳкамлайди. Маслаҳат ва кўрсатмаларни кўпроқ жиноятни уюштирадиган шахс бериши мумкин. Бу ҳолда ушбу шахс жиноят кодекси

28-моддасининг 3-қисмига кўра ташкилотчи деб топилади. Жиноят қонунида биринчи марта Жиноят кодекси 30-моддасида жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик доираси белгиланди. Ушбу моддага биноан ҳар бир иштирокчининг даражаси ва характериға қараб жазо тайинлаш назарда тутилади. Иштирокчиларнинг жиноятни содир қилишдаги жавобгарлиги учун улар ўртасида объектив ва субъектив боғланиш бўлиши керак. Булар иштирокчиларнинг зарурий белгиларидир. Икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг тасодифий бир жойда, бир вақтда учрашиб биргаликда жиноятни содир қилишини иштирокчиликда содир қилган деб жавобгарликка тортилмайди. Бунда бир манбадан бир вақтда бир неча шахслар томонидан, бир-бириға боғлиқ бўлмаган ҳолда магазиндаги мол-мулкни талон-тарож қилиш жинояти бир вақтда қилинган бўлса-да, лекин куч бирлашмагани ва ҳар қайси шахс мустақил равишда ҳаракат қилгани учун иштирокчилик деб топилмайди.

Жиноятнинг ҳамма иштирокчилари бажарувчи сифатида ҳаракат қилганларида ҳам булар ўртасида ўзаро боғланиш бўлади. Яъни, улар бир-бирларига ёрдам бергани туфайли, жиноий мақсадлари амалға ошади, жиноий оқибат юз беради. Иштирокчиларнинг биргаликдаги жиноятни содир қилишдаги ҳаракатлари, жиноятни содир қилгунға қадар ёки жиноят содир қилиш вақтида содир этилган бўлиши керак, жиноят содир қилиб бўлингандан сўнг иштирокчиликда содир қилинган деб бўлмайди.

Иштирокчиларнинг ҳар қайсисининг ҳаракати билан умумий жиноий оқибат ўртасида сабабий боғланиш бўлиши зарур. Бунда иштирокчиларнинг ҳар бири умумий жиноий мақсадни амалға ошириши учун ўз ҳиссасини қўшади. Масалан, ёрдамчи талончилик йўли билан топилган мулкни сотиб беришға илгаридан ваъда берса, бажарувчи шу ваъдаға ишониб талончилик қилса, бунға бажарувчининг ҳаракати билан ёрдамчининг ваъдаси ўртасида сабабий боғланиш бўлиб, бу ваъда



бажарувчида талончилик қилишга журъат туғдиради. Сабабий боғланиш иштирокчиликнинг зарурий белгиларидан биридир. Иштирокчиликда сабабий боғланишнинг характерли хусусият шундаки, бажарувчига бошқа иштирокчиларнинг берган ёрдами жиноятни амалга ошириш учун реал имконият туғдиради.

Бизга маълумки, иштирокчилик тушунчаси, турлари, шакллари ва уларнинг содир қилган хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни назарда тутувчи Олий суди Пленуми қарори бугуни кунда йўқ. Биз юқорида Тошкент шаҳар судининг амалиётидан келтирган мисолда шахслар томонидан содир қилинган ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жинояти учун жазо тайинлашда, иштирокчиларнинг ўртасидаги объектив ва субъектив белгилари ўрганилмаган. Ана шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан “Иштирокчиликда содир қилинган жиноятлар ва уларга жазо тайинлаш ишларини ўрганиш” бўйича Пленум қарори қабул қилинса ва унда иштирокчиликка доир барча қоидалар билан биргаликда шахсни иштирокчиликда айбли деб топиш учун шу шахс билан бажарувчи томонидан содир қилинган жиноятнинг объектив томондан ва оқибат ўртасида сабабий боғланиш бўлиши, ҳамда жиноятни бажарувчига ёрдам беришга қаратилган қасд бўлиши кераклиги” ҳақида тўхтаб ўтилса мақсадга мувофиқдир. Бу эса жазо тайинлашда муҳим рол ўйнайди.

Кўпчилик ҳуқуқшунос олимлар иштирокчиликда жиноятни содир қилишда сабабий боғланиш зарурий белги деб эътироф қиладилар. А.Я.Вишинскийнинг фикрича иштирокчиларнинг жавобгарлиги учун сабабий боғланиш эмас, балки шахснинг жиноят содир этиши билан бошқа иштирокчилар ҳаракати ўртасидаги умуман қандайдир муайян бўлмаган бир боғланиш бўлиши кифоядир. А.Я.Вишинский “жиноий уюшманинг иштирокчиси унинг бошқа иштирокчилари томонидан содир қилинган жиноятларни билмаган тақирда ҳам шу жиноятлар учун жавобгар бўлиши керак дейди. Бундан ташқари жиноятни илгари ваъда қилмай, яширин айбдорга ёрдам бериш мақсдида гувоҳлик беришдан бош тортиш ва бошқа ҳаракатларни ҳам иштирокчилик деб ҳисоблайди⁶.

Аммо биз бу фикрга қўшилмаймиз, бизнинг фикримизча жиноятни иштирокчиликда содир қилиш деб жавобгарликка тортиш учун уларнинг зарурий шарти белгиси бўлиб, объектив томондан ва субъектив томондан боғланиш бўлиши лозим.

⁶ Вишинский А.Я. Вопросы теории государства и права. — М. 1999. — С.118.

Иштирокчилар ўзаро бирлашиб жиноятни содир қилишдан қандайдир зарарли оқибат келиб чиқиши мумкинлигини илгаридан билган ва шуни истаган ёки истамаган бўлсаларда, унга онгли равишда йўл қўйган бўлишлари керак. Иштирокчилардан бири тўғри қасд билан бири эгри қасд билан ҳаракат қилган бўлиши мумкин.

Агар далолатчи ёки ёрдамчи бажарувчининг ёки ташкилотчининг ҳаракати натижасида юз бериши мумкин бўлган жиноий оқибатни билмаса, уни иштирокчиликда айблаб бўлмайди. Бундай ҳолда айбдор ўз қилмишига мустақил равишда жавобгар бўлади. Жиноятни иштирокчиликда содир қилаётган ҳар бир иштирокчи ўз ҳаракатининг характериғагина эмас, балки бошқа иштирокчилар ҳаракатининг характериғини ҳам англаши иштирокчиликдаги қасднинг алоҳида хусусиятидир.

Иштирокчилик қасддан қилинган жиноятда онгли равишда бирлашиб ҳаракат қилишдир. Шунинг учун ақли норасо ёки маълум ёшга етмаган шахслар жиноятда иштирокчи бўлмайдилар. Ақли норасо ёки жиноят субъекти ёшига тўлмаган шахсларнинг ижтимоий хавфли ҳаракатида иштирокчилик қилиш ёки уларни далолат қилиш, ёхуд уларга ёрдам бериш иштирокчилик бўлмайди. Бундай ҳолларда улар содир қилган жиноятнинг бевосита бажарувчиси шу жиноятнинг ташкилотчиси ёки далолатчиси бўлади.

Ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар жиноят кодекси махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш учун белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар. Қонунда жиноят иштирокчилари ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи бир томондан ва бажарувчи иккинчи томондан бир-бири билан боғлиқдир.

Ташкилотчи, ёрдамчи, далолатчининг ҳаракатлари бажарувчининг ҳаракати қайси норма билан квалификация қилинган бўлса, ўша норма билан квалификация қилинади, аниқроғи бажарувчи томонидан жиноятнинг объектив томони қай даражада бажарилгани муҳим рол ўйнайди. Агар бирон-бир сабабга кўра бажарувчи жиноятни охиригача етказа олмаган бўлса, иштирокчиларнинг ҳаракатларини ҳам тугалланмаган жиноят деб квалификация қилиши лозим.

Жиноят иштирокчиси қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади. Иштирокчиликда содир қилиш жиноятда суд жазо тайинлаш масаласида жазо тайинлашнинг умумий асосларига риоя қилади. Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини,

қимишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазонинг енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олади (ЖКнинг 54-модда, 1-қисм).

Жиноятни иштирокчиликда содир этишдаги иштирокчиларнинг иштирок даражаси ҳамда жиноий ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси жазо тайинлашда ҳисобга олинади. Суд жазо тайинлашда шахснинг судланган-судланмаганлигини, гиёҳванд моддалари ёки алкоголь ичимликларини истеъмол қилиш қилмаслигини ва бошқа ҳолатларини ҳисобга олади. Ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчининг ҳаракатлари бажарувчининг жиноятни қайси босқичда тўхтаганлигига қараб, яъни бажарувчи жиноятни охирига етказган, суиқасд қилган ёки тайёргарлик кўришда тўхтатилганлигига қараб квалификация қилинади.

Суд тергов амалиётида жиноятни фақат махсус субъект амалга ошириб, бундай вақтда жазо тайинлашда жиноят иштирокчиси, ташкилотчиси, далолатчи, ёрдамчиларнинг жиноятда иштироки даражасини аниқлаш керак. Жиноятнинг субъекти фақат махсус субъект бўладиган жиноятларда иштирокчилар (ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи)лар махсус субъект содир этган жиноятларда фақат иштирокчи сифатида жавобгарликка тортиладилар.

Махсус субъектда мансабдор шахсларнинг мансаб ёки хизмат ҳолати мавқеидан фойдаланиб турли жиноятларни содир қилиши тушунилиб, унда махсус субъектни иштирокчи субъект сифатида ҳам жалб қилиши мумкин.

Жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиб, ушбу жиноят квалификация қилинаётганда иштирокчиликдаги бажарувчилардан бири гуруҳ томонидан келишилмаган бошқа жиноят содир қилса, айрим қийинчилик келтириб чиқаради. Буни жиноят ҳуқуқида экцесс бажарувчи дейилади. Жумладан, бир гуруҳ шахслар ўзгани мулкани талон-тарож қилиш жиноятини содир қилишаётганда бажарувчи гуруҳ аъзолари билан келилмаган ҳолда бошқа бир жиноятни содир қилса, бу ўз навбатида айрим қийинчиликни келтириб чиқариш тушунилади. Экцесс, деганда бошқа иштирокчиларнинг жиноятдан ташқари бошқа бир жиноятни бажарувчи томонидан содир қилиниши тушунилади.

Бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиши учун уни содир этган шахс жавобгар бўлади. Жиноят ҳуқуқи назариясида экцесс бажарувчиларни миқдор ва сифат кўрсаткичли экцесс бажарувчига бўлиб ўрганилади. Миқдор кўрсаткичли экцесс бажарувчи

бошқа иштирокчиларнинг жиноий ният асосида жиноят содир қилади, лекин унинг оқибати бошқа иштирокчилар ўйлагандан кўра оғирроқ бўлади. Масалан, ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш вақтида далолатчи, жабирланувчини бойлаб оғизга латта тиқишни айтади, бажарувчи уни боғлашда кўрсатган қаршилиги туфайли дўппослаб ўлдириб қўйиш мумкин.

Агар бажарувчи жиноятини охиргача етказишдан бош тортса ёки ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда бажара олмаса ва ҳаракатни содир этса, иштирокчиларнинг ҳаракатини квалификация қилиш қийинлашади. Бундай ҳолда ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ташкилотчилик, далолатчилик, ёрдамчиликка суиқасд қилганлик учун жавобгар бўладилар. Чунки, барча иштирокчилар биргаиликда келишиб содир қилмоқчи бўлган жиноятлари амалга ошмаган. Бажарувчи иштирокчиларнинг жиноий ниятидан ташқари содир этган жинояти учун жавобгар бўлади ва бажарувчининг қилмиши экцесс жиноятдир. Айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида экцесс яъни бажарувчи шахслар бўлмаган, аммо бошқа шахслар, далолатчи, ёрдамчи, ташкилотчилар жиноятининг иштирокчилари сифатида қаралган. Масалан, Испания жиноят кодексининг 29-моддасига мувофиқ, иштирокчилар қаторига олдинги моддада кўрсатилмаган (яъни бажарувчи бўлмаган) бир вақтнинг ўзида ёки жиноят содир этиш вақтида маълум ҳаракатларни содир этиб, жиноят содир этиш жараёнида қатнашган шахслар киради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. [lex.uz](http://www.lex.uz/)). (//www.lex.uz//)
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. - Т.: Шарқ, 2012. -Б.218.
3. Criminal code of the Republic of Albaniya Consolidated version as of October 13, 2009 Criminal Code of the Republic of Albania Law No. 7895, dated 27 January 2015.
4. The Criminal Law of the Republic of Latvia. This Law has been adopted by the Saeima on 17 June 2008. This Law shall come into force on 1 July 2009. Section 294.1 Interference in the Pre-trial Criminal Proceedings.
5. Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 124 б.
6. Абдурасулова Қ.Р. Ниёзова С. Жиноятчилик ва жиноятчи шахс муаммолари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. – 87 б.156



- 7.Ахроров Б. Д. Мансабдорлик жинойтлари учун жинойй жавобгарлик // Маъсул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор М.Ҳ. Рустамбоев. – Т.: Адолат, 2007. – 268 б.
- 8.Баранов В.М., Кузнецов А. П., Изосимов С.В., Бокова И.Н., Кондаков Д.С. Примечания в российском праве // Монография. – Н. Новгород, 2005. -195 с.
- 9.Виттенберг Г. Б., Панченко П. Н. Прикосновенности к преступлению по совуткому уголовному праву. Иркутск, 1976. – 50 с.
- 10.Гаухман Л. Д. Квалификация преступлении: закон, теория, практика. – М.: АО «Центр ЮрИнфор», 2005. – 233 с.
- 11.Горелик А. С. Конкуренция уголовно-правовых норм. Учеб. пособие. – Красноярск, 1998. – 112 с.